



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Харид комиссияси раиси

М. А. Аллабергенов

«13» Январ 2022 й.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКнинг Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Стандартларига мувофиқ (БҲМС) тузилган 2021 йил якуни бўйича молиявий ҳисоботини аудит текширувидан ўтказиш бўйича энг яхши таклифларни танлаш бўйича

ХАРИД ҲУЖЖАТЛАРИ

Тошкент – 2022

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий таракқиёт ва камбағалликни кискартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойихалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза килиш маркази” давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда – Марказ) 2021 йил якуни бўйича бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига (БХМС) мувофик тайёрланган молиявий ҳисоботларини аудит текширувидан ўтказиш бўйича хизматлар хариди бўйича энг яхши таклифларни танлашни (кейинги ўринларда – танлаш) эълон қилади.

Буюртмачи – Марказ.

Буюртмачи манзили: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 107Б.

Боғланиш учун масъул шахс: Бош ҳисобчи Эльвина Буралиева

Маълумот учун телефон: (+998 71) 207-02-61

E-mail: info@expertcenter.uz

Танлаш буюртмачи томонидан тузилган ва вақтинчалик орган бўлган харид комиссияси томонидан амалга оширилади.

Хариднинг бошланғич нархи – 20 700 000 сўм (ҚҚС билан).

Молиялаштириш манбаи – Марказнинг ўз маблағлари ҳисобидан.

Ушбу харид ҳужжатлари махсус ахборот порталига жойлаштирилган <https://etender.uzex.uz/>

Танлашда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофик аудиторлик ташкилотларига қўйиладиган талаблар ва шартларга жавоб берадиган, шу жумладан:

- штатида камида кетма-кет уч йиллик узлуксиз иш стажига ёки халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлган камида икки нафар аудитор мавжуд бўлган;
- аудиторлик ташкилотининг иши сифатини ташқи назоратдан ўтказиш натижаларига кўра, аудиторлик фаолияти тўғрисидаги конунчиликнинг бузилиши ҳоллари мавжуд бўлмаган аудиторлик ташкилотлари иштирок этиши мумкин.

Қуйидаги иштирокчилар танлашда иштирок этишга қўйилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатилиш босқичида бўлган ёки ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган;
- Марказ билан суд ёки ҳакамлик муҳокамасида иши кўриб чиқиляётган;

- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилган;
- солиқлар ва йигимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган;
- манфаатлар тўқнашуви ва аффилиланганлик ҳолатлари мавжуд бўлган.

Танлаш иштирокчиси:

1) такдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади;

2) фақат битта таклиф беришга ҳақли;

3) таклифларни бериш муддати тугагунига қадар берилган таклифни қайтариб олишга ёки унга ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

Танлашда иштирок этиш учун иштирокчилар Марказга қуйидагиларни такдим этадилар:

- аудиторлик ташкилотининг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган маълумотларни;

- аудиторлар сертификати ва аудиторлик ташкилоти жавобгарлигининг суғурта полиси нусхасини;

- давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

- таъсис ҳужжатларининг нусхаси;

- танлаш иштирокчиси – юридик шахс номидан ҳаракатларни амалга ошириш ваколатини тасдиқловчи ҳужжат (буйруқ ёки ишончнома нусхаси);

- аудиторлик ташкилотининг энг йирик мижозлари рўйхати ва тегишли иш тажрибаси;

- раҳбар ва аудиторларнинг амалдаги малака сертификатлари нусхалари;

- техник таклифининг (аудит режаси) битта асли;

- молиявий (наrx) таклифининг битта асли;

- шартнома лойиҳаси;

- иштирокчининг хоҳишига кўра такдим этиладиган бошқа маълумотлар.

Таклиф ва барча тегишли ёзишмалар, ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилларида топширилиши мумкин.

Танлашда иштирок этиш учун, Танлаш иштирокчиси қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

Танлаш шартлари билан танишиш учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган Танлаш ҳужжатларининг электрон нусхасини олиш (кучириш)

Танлаш ҳужжатлар шартларига мувофиқ Танлаш ҳужжатларини топшириш.

Иштирокчиларнинг таклифлари, таклифларни қабул қилиш муддати тугаган кундан бошлаб камида 30 (ўттиз) кун мобайнида ўз кучида қолиши лозим.

Тўлов шакли - ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз кўринишда амалга оширилади.

Буюртмачи томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўлов унинг ҳисоб рақамидан миллий валюта – сўмда, пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз кўринишда амалга оширилади. Тўлов шартлари шартнома лойиҳасида кўрсатилган.

Аудиторлик ташкилотларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш таклифлар бериш муддати тугаган санадан эътиборан 10 (ўн) иш куни ичида амалга оширилади.

Таклифларни баҳолаш вақтида Марказнинг харид комиссияси иштирокчилардан уларнинг таклифлари бўйича қўшимча тушунтириш беришларини сўраб мурожаат қилишга ҳақли.

Иштирокчилар кўрсатиладиган хизмат шартлари тўғрисида тўлиқ маълумотни тақдим этишлари керак.

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1. Кўрсатиладиган хизматлар номи:

Марказнинг 2021 йил якуни бўйича тузилган молиявий ҳисоботини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиш.

Ушбу танлаш натижалари харид комиссиясига тақдим этилади ва унинг қарорига кўра қолиб аудиторлик ташкилоти билан шартнома тузилади.

2. Ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш жойи (манзил):

100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 107Б (блок С, 5-қават).

3. Хизматлар натижаларидан фойдаланиш мақсадлари:

Буюртмачи ва мулкдор томонидан бошқарув қарорларини қабул қилишда маълумотлардан фойдаланиш, шунингдек уларни солиқ ва бошқа ваколатли органларга тақдим этиш;

Марказ молиявий ҳисоботининг ва у билан боғлиқ молиявий ахборотининг аудиторлик текшируви текшириладиган молиявий ҳисоботнинг ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотнинг ишончлилигини ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқлигини аниқлаш.

4. Хизмат шартлари:

2021 йил якуни бўйича Марказнинг молиявий ҳисоботини аудит текширувидан ўтказиш бўйича хизматлар аудиторлик фаолияти стандартлари талабларининг, шу жумладан аудиторлик хулосасини имзолаш ва тақдим

этиш тартибига қўйиладиган талабларнинг, бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларининг ишончилиги тўғрисида фикрни шакллантириш, ҳисоботни тайёрлаш, шунингдек Буюртмачига бухгалтерия ҳисобини юритиш, солиққа тортиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш тартиби бўйича маслаҳатлар беришни, аниқланган камчиликлар ва қоидабузарликларни баргараф этиш бўйича тавсиялар беришни, шунингдек томонлар томонидан келишилган муддатда Шартнома предмети доирасида Буюртмачига эксперт хулосаларини тақдим этишни кўзда тутиши лозим.

5. Хизматлар кўрсатишга қўйиладиган умумий талаблар

5.1. Аудит Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунига, аудиторлик фаолиятининг амалдаги стандартларига мувофиқ амалга оширилади.

5.2. Молиявий ҳисоботнинг ташқи аудитини ўтказишдан мақсад ҳисобот санаси ҳолатига Марказнинг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари ва пул маблағлари ҳаракатининг молиявий ҳолат тўғрисидаги бухгалтерия ҳисоботида бухгалтерия ҳисоботини тузиш бўйича белгиланган тартибга мувофиқ ақс эгтирилишининг ишончилиги тўғрисида аудиторнинг фикрини шакллантириш ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибни бузган ҳолда амалга оширилган, бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи кўрсаткичларининг бузилишига олиб келган хўжалик операцияларини аниқлашдан иборат.

6. Бир ёки иккита аудиторлик ташкилотини танлаш ёндашуви

Нарх таклифи муҳим, аммо танлашнинг ягона мезони эмас. Аудиторлар фирманинг обрў-эътиборини ва аниқ ижрочилар тажрибасини, тегишли соҳавий тажрибаси ва стандартларга мувофиқ экспертиза қилиш, самарали аудит жараёнини ташкиллаштириш қобилиятини намойиш эта олишлари керак.

№	Талаб номи	Қиймат тури	Қиймат	Зарурийлиги	Баҳолаш мезони	Файлнинг номи (Бириктириш шарт)	Макс.балл	Мин. балл	Солиштирма оғирлик
1	Аудиторлик фирманинг обрў-эътиборини ва аниқ ижрочилар тажрибасини.	матнли	матнли	Афзалроқ	Эксперт	Тавсиялар (Афзалроқ)	5	0	20
2	Сотиб олишнинг умумий қиймати барча солиқларни ҳисобга олган	матнли	матнли	Критик	Эксперт	Нарх таклиф (Критик)	10	0	5040

	холда 20 700 000 сўмдан ошмаслиги керак								
3	Штатида камида кетма-кет уч йиллик узлуксиз иш стажига ёки халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлган камида икки нафар аудитор мавжуд бўлган	матнли	матнли	Афзалрок	Эксперт	Аудиторлик сертификатлари (Афзалрок)	5	0	20
4	Танловда иштирок этиш учун аудиторлик ташкилотлари таъминот хужжатларида кўрсатилган маълумотларни тақдим этадилар	матнли	матнли	Критик	Эксперт	Танлов хужжатлари рўйхатига кўра	5	0	20

7. Ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш шартлари (муддатлари)

Бажарувчи хизмат кўрсатишни унинг ҳисоб рақамига олдиндан тўлов маблағи келиб тушган кундан бошлаб 30 (ўттиз) календар кун ичида амалга оширади.

8. Иш ва хизматлар ҳамда уларнинг натижалари хавфсизлигига қўйиладиган талаблар

Барча ишлар халқаро шартномалар ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларида кўзда тутилган иш ва хизматлар ҳамда уларнинг натижалари хавфсизлигига доир талабларга мувофиқ ҳолда амалга оширилиши лозим.

9. Ишлар ва хизматлар натижаларини топшириш ва қабул қилиш тартиби

Аудиторлик текшируви натижасида Аудитор биринчи молиявий ҳисоботнинг барча муҳим жиҳатлари бўйича тақдим этилишининг ишончлилиги тўғрисида аудиторлик хулосаси шаклида ифодаланган фикрни тақдим этади.

Аудиторлик хулосаси рақамланган, ҳар бир саҳифаси аудиторлик текширувини амалга оширган аудитор (аудиторлар) ва аудиторлик ташкилотининг раҳбари томонидан имзоланган ҳамда унга аудиторлик

ташкилотининг фикри қайси молиявий ҳисоботга нисбатан ифодаланган бўлса, ўша молиявий ҳисобот илова қилинган бўлиши керак.

Аудиторлик хулосасининг шакли ва мазмуни аудиторлик фаолияти стандартлари билан белгиланади.

Бундан ташқари, аудитор аудит стандартлари талабларига мувофиқ Ҳисоботни текшириш натижалари бўйича Буюртмачи раҳбариятига қуйидагиларни ўз ичига олган ҳисобот тайёрлайди:

- аудит ўтказишнинг режалаштирилган ҳажми ва муддатлари, муҳим рисклар тўғрисида қисқача маълумот;
- ташкилотнинг бухгалтерия ҳисоби амалиётининг муҳим сифат жиҳатлари, бухгалтерия ҳисоби баҳолари ва ҳисоботдаги маълумотларни ошқор этиш ҳақида ахборот ва фикрлари;
- аудит ўтказиш вақтида юзага келган жиддий кийинчиликлар тўғрисидаги маълумотлар;
- аудиторлик хулосасининг шакли ва мазмунига таъсир этувчи ҳолатлар тавсифи;
- Аудиторнинг профессионал фикрига кўра, ҳисобот тайёрлаш жараёнини назорат қилиш учун аҳамиятга эга бўлган, аудит ўтказиш вақтида юзага келган бошқа муҳим масалалар.

Аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси амалдаги аудиторлик фаолияти стандартларига мувофиқ тузилади. Ҳисобот аудиторлик хулосаси тақдим этилгандан кейин 10 (ўн) иш куни ичида тақдим этилади.

Аудитор ёзма ҳисоботда баланс кўрсаткичлари ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда белгиланган жиддийлик даражасидан ошиб кетадиган барча аниқланган тафовутларни (агар мавжуд бўлса) ақс эттириши шарт.

Аудиторлик хулосаси ўзбек ёки рус тилларида тақдим этилиши мумкин. Ҳисобот раҳбариятга рус тилида тақдим этилади. Барча ҳужжатлар ҳар бир тилда камида уч нусхада топширилиши керак.

Аудиторлик хулосаси ва ҳисоботи Марказнинг бош ҳисобчисига тақдим этилиши керак.

10. Ишлар ва хизматлар натижаларини топшириш ва қабул қилиш тартиби (ишлар ва хизматларни бажаришнинг ҳар бир босқичи бўйича ва умумий натижаларини топшириш ва қабул қилишни таъминлаш бўйича тадбирлар, ҳар бир босқич ва умумий давр бўйича расмийлаштирилиши ва топширилиши лозим бўлган ҳисобот, техник ва бошқа ҳужжатлар)

Иш бажарилгандан сўнг аудиторлик ташкилоти қуйидагиларни тақдим этади:

- ишни тугатганлиги тўғрисидаги хат;

- аудиторлик ҳисоботи;
- аудиторлик хулосаси;
- счёт-фактура ва бажарилган ишлар далолатномаси.

11. Буюртмачи ходимларини бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар юзасидан ижрочи томонидан техник ўқитиш бўйича талаблар
Йўқ.

12. Ишлар ва хизматларнинг сифати кафолатлари ҳажми бўйича талаблар

Аудиторлик ташкилоти Буюртмачининг молиявий ҳисоботи ва бошқа молиявий маълумотлари тўғрисида нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосасини тузиш натижасида уларга зарар етказганлик учун Буюртмачи ва молиявий ҳисоботнинг бошқа фойдаланувчилари олдида жавобгар бўлади.

Аудит натижалари тўлиқ ҳажмда аудит стандартлари ва Ўзбекистон конунчилиги нормалари бўйича аудит ўтказишга қўйиладиган талабларга, шунингдек, техник топшириқда кўрсатилган аудит ҳажми ва сифатига қўйиладиган талабларга мос келиши керак.

Аудит текширувини ўтказиш натижалари аудиторлик фаолиятига қўйиладиган талабларга, аудит стандартларига ва Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари нормаларига, шунингдек техник топшириқда кўрсатилган аудит ҳажми ва сифатига қўйиладиган талабларга тўлиқ ҳажмда мувофиқ бўлиши керак.

Аудиторлик ҳисоботи ва хулосасининг шакли ва мазмуни амалдаги аудиторлик фаолияти стандартлари билан белгиланади.

13. Ишлар ва хизматлар натижаларида сифат кафолатларини кўрсатиш тўғрисидаги талаблар

Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.

Аудитор Буюртмачининг молиявий ҳисоботи ва бошқа молиявий маълумотлари тўғрисида нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосасини тузиш натижасида унга етказилган зарар учун Буюртмачи олдида жавобгар бўлади. Сифатсиз ёки нотўғри текшириш натижасида мижозга етказилган зарар, шу жумладан йўқолган фойда конун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши керак.

14. Ташкилот реквизитлари.

1	Ташкилот номи (тўлиқ ва қисқа номи)	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий таракқиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги “Лойихалар ва импорт контрактларини комплекс
---	--	--

		экспертиза қилиш маркази” Давлат унитар корхонаси, Иқтисодий тараққиёт вазирлиги ҳузуридаги Комплекс экспертиза маркази
2	Ташкилотнинг юридик манзили	100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 107Б
3	Ташкилотнинг амалдаги манзили	100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри. Амир Темур шоҳ кўчаси, 107Б
4	Директор (Ф.И.Ш)	Аллабергенов Муродбек Анварбекович
5	Бош ҳисобчи (Ф.И.Ш)	Буралиева Эльвина Серверовна
6	Телефон рақами:	(+998 71) 207-02-61
8	Масъул шахс	Буралиева Эльвина Серверовна
9	Расмий веб-сайт манзили	control.expertcenter.uz
10	Масъул шахснинг электрон почта манзили	e.buralieva@expertcenter.uz
11	СТИР	305 219 838
14	ИФУТ	74900
15	КТУТ	27486930
16	ҚҚС тўловчининг рўйхатга олиш коди	326010005531
17	Банк коди	00451
18	Ҳисоб рақами	20208000800829597001
19	Банк	ТИФ Миллий банк “Тошкент шаҳар Бош бошқармаси” филиали амалиёт бўлими

15. Ташкилот ҳақида асосий маълумотлар

Умумий маълумот

1.	Ташкилий-ҳуқуқий шакли	<i>Унитар корхона</i>	
2.	Фаолият даври	<i>давлат рўйхатидан ўтказилган сана</i>	<i>2018 йил 16 январ</i>
3.	Жорий фаолият хусусиятлари	<i>хусусийлаштириш, қайта ташкил этиш, тугатиш, банкротлик ва бошқа ҳолатида эмас</i>	<i>фаолият кўрсатмоқда</i>
4.	Филиаллар (таркибий бўлинмалар)нинг мавжудлиги	<i>сони, дони.</i>	<i>йўқ</i>
5.	Штабдаги ва штатдан ташқари ходимларнинг умумий сони	<i>Қаида 50 та ходим</i> <i>50-200 ходим</i> <i>200-1000 ходим</i> <i>1000 тадан кўпроқ ходим</i>	<i>50 дан 200 гача</i>

6.	Бухгалтерия ҳисоби тизимининг умумий ҳолати	яхши ўртача қониқарсиз	яхши
7.	Асосий фаолият турлари	рўйхатини келтиринг	Харид ва лойиҳаолди ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича хизматлар
8.	Бухгалтерия ҳисоби шакли	автоматлаштирилган тизим (тўлиқ / қисман) қўлда юритиладиган ҳисоб (тўлиқ / қисман)	автоматлаштирилган тизим IC (тўлиқ)
9.	Бухгалтерия ходимларининг умумий сони	ходимлар сони	4
10.	Ички назорат бўлимининг мавжудлиги	ҳа/йўқ	йўқ

Нақд пул

1.	Валюта кассасининг мавжудлиги	ҳа/йўқ	йўқ
2.	Ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобварақлар сони	Ҳисоб рақам (сўмда)	1
Ҳисоб рақам (валютада)		3	
Депозит ва махсус ҳисоб рақамлар		7	

Мулк ва мажбуриятлар

1.	Асосий воситалар сони (балансдаги инвентар объектлари)	10 дан кам	
		10-100	
		100-500	448
		500 дан кўпроқ	
2.	Номоддий активлар сони	кўрсатилсин	йўқ
3.	Материалларнинг тахминий сони	Кўрсатилсин	70
4.	Молиявий инвестициялар мавжудлиги	ҳа/йўқ	йўқ
5.	Асосий қарздорларнинг миқдорий таркиби	10 гача	50 дан кўп
		10-50	
		50 дан кўп	
6.	Асосий кредиторларнинг миқдорий таркиби	10 гача	10-50
		10-50	
		50 дан кўп	
7.	Мақсадли молиялаштириш маъбаларининг мавжудлиги	ҳа/йўқ	йўқ

8.	Экспорт-импорт (божхона) операциялари	ҳа/йўқ	йўқ
		саноқли (ойига 1 дан 3 гача) операциялар	
		мунтазам операциялар	

Харид комиссияси аъзолари билан келишилди:


Директор ўринбосари


_____ Матякубов Н. М.

Давлат харидлари бўйича
техник топшириқларни экспертизадан
ўтказиш бошқармаси бошлиғи


_____ Мухаммадиев Б. М.

Бош ҳисобчи


_____ Буралиева Э.С.

Ишлар бошқаруви бўлими бошлиғи


_____ Мухсинов И. Ф.